



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 21 май, № 102 (9273)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев турли соҳалардаги бунёдкорлик лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига Андижон вилояти Бобур шаҳрида барпо этиладиган меъморий ансамбль таркибига буюк давлат арбоби, саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган муҳташам ҳайкал ўрнатиш лойиҳаси тақдирот қилинди.

Буюк аждодимиз хотирасини муносиб улуғлаш, унинг бой илмий-адабий мероси, давлатчилик тафаккури ва жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс хиссасини ёш авлодга чуқур етказиш мақсадида ушбу ёдгорликни алоҳида мазмун ва бадиий ечим асосида яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизга бўлажак ҳайкалнинг эскизлари, композицион ечим ва Бобур сиймосини акс эттириш бўйича илмий-бадиий ёндашувлар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, буюқ тарихий шахс образи юртимиз олимлари томонидан хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотлар, кўплаб тарихий манбалар, қўлёзмалар, миниатюралар ва маданий мерос намуналарини чуқур ўрганиш асосида яратилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг Покистонга давлат ташрифи доирасида Исломобод шаҳридаги боғлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталган эди. Мазкур боғда ҳам буюқ аждодимизга ўрнатиладиган ҳайкал лойиҳаси кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ёдгорликларни яратишда Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосини нафақат буюқ адиб ва шоир, балки моҳир саркарда, қудратли давлат асосчиси ва донишманд ҳукмдор сифатида теран очиб бериш зарурлигини таъкидлади. Унинг иродаси, давлатчилик салоҳияти, юксак маънавияти ва бунёдкорлик ғоялари ҳайкалнинг умумий қиёфасида яққол акс этиши лозимлиги қайд этилди.

Президентимизга Абу Райхон Беруний номидаги халқаро мактаб-интернати моддий-техник базасини такомиллаштириш, Бухоро шаҳрида туризм ва транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, туманлардаги маданият уйларини модернизация қилиш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳалар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириб, илғор тажриба асосида пухта ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида “Инсон қадрини унён бахти учун” деган эзгу ғояни чуқур қарор топтиришда барча миллий ва диний қадриятларимиз қатори инсонпарварлик, саховат, шукроналик ва бағрикенглик каби олийжаноб фазилатларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайити ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизда ижтимоий давлат барпо этиш, юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик борасида бу байрамнинг безавол аънаналари биз учун куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Қурбон ҳайитини ана шу жараёнларга мос ҳолда муносиб нишонлаш, юртимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2026 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи куни 27 май — чоршанба кунига тўғри келиши ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **27 май Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.**

2. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:
а) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ, **Қурбон ҳайитининг биринчи куни ишланмайдиган байрам куни** сифатида белгиланган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 декабрдаги “2026 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-257-сон Фармони билан куйидагилар **қўшимча дам олиш куни** сифатида белгиланган:

(i) иш ҳафтасининг туридан қатъий назар барча ходимлар учун 2026 йилнинг **28 май — пайшанба, 29 май — жума** кунлари;

(ii) **олти кунлик** иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун **30 май — шанба** куни.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий аънана ва урф-одатларига уйғун ҳолда кўтаринки кайфиятда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўтабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвирга олисин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 20 май



Самарқанднинг ўтмиши ниҳоятда қадимий. Аммо бу кентни ўз салтанатига марказ қилган, унинг улуғвор ва шарафли тарихида ўчмас из қолдирган, шаҳарнинг салоҳиятига салобат қўшган ҳукмдорлар кўп эмас. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ялангтўш Баҳодир... Бу номлар бизгача бўлган минг йилликни тамсил этади ҳолос. Холбуки, шаҳарнинг таваллуди ундан

бир неча ўн асрлар нарига бориб тақалади. Бундан тақрибан уч минг йиллар олдин ҳам бу ерда маданият ва санъат, илму маърифат гуллаб-яшнаган, ўз чиройи ва латофати билан инсоният тафаккурига нур бериб турган. Хусусан, миллдан аввалги IV асрда Самарқандни эгаллаган Искандар Мақдунли (Александр Македонский)нинг "...У мен эшитганимдан ҳам гўзалроқ экан" деган иқрори тарихий манбалардан яхши маълум. Ўз даврида дунёнинг маданият-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий таянчлари-

дан бири бўлган Самарқанд нафақат “Ер юзининг сайқали”, балки замонлар оша дунё тартибини белгилловчи қудрат (держава) пойтахти ҳам бўлган. Бироқ бу муаззам кентнинг ҳаёти доим ҳам равон кечмаган. Сохибқирон Амир Темур, сўнг унинг набираси Мирзо Улуғбек даври, яна икки аср ўтиб XVII асрнинг биринчи ярмида (ўша вақтда Самарқанд Аштархонийлар сулоласи ҳукмрон бўлган) Бухоро хонлиги тасарруфида бўлган) ҳоким Ялангтўш Баҳодир замонларида гул-

лаб-яшнагани мазлум. Аммо муаррихлар ундан кейинги паллалар ҳақида кўп сўзламайди. Бунинг сабаби оддий: чунки ундан сўнг шаҳарнинг ўтмишида таъназул даври кечган... Кўп узоққа бориш шарт эмас. XIX-XX асрлардаги аввал Чор Россияси, кейин большевиклар босқинида у катта талафотлар кўрганни барчага яхши биламиз. “Тенглар ичра тенг” бўлган ёки истиқлол тонги отган илк йиллар ҳам кўҳна кент тарихида таъсирчан аҳамият касб этмади.

►2-3

Учрашув

ҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ – УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Халқаро миграция ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Артур Еркен билан учрашув ўтказди.

Сўхбат давомида хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияни таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ҳақида маънафатларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, мақсадли қўшма лойиҳаларни

кенгайтириш ҳамда превентив механизмларни такомиллаштириш, миграция соҳасида илғор тажрибаларни ўрганиш юзасидан фикр алмашилди.

Рақамли технологиялар шароитида пайдо бўлаётган одам савдосининг янги шакллари, онлайн эксплуатация ва виртуал платформалар орқали содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Ҳукумат соати

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ПЕДАГОГЛАР ҲИМОЯСИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ташаббуси билан навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда мактаб таълими сифати, инклюзив муҳитни ривожлантириш ва педагогларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Мактабгача ва мактаб таълими вазири Э. Каримова депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Вазирнинг таъкидлашича, ўтган олти йилда мамлакатда таълим тизимининг “локомотив” муассасалари сифатида 14 та Президент, 9 та ижод ҳамда 203 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилган.

►4

Муносабат

ГЛОБАЛ БОЗОРДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Бугун мамлакатимиз иқтисодий тарихида мутлақо янги саҳифа очилмоқда. Илк бор Ўзбекистоннинг миллий активлари халқаро оммавий савдога чиқди. “Франклин Темплтон” билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий инвестиция жағмармасининг акциялари бир вақтинг ўзида Лондон фонд биржаси ва Тошкент республика фонд биржасида оммавий тақлиф жараёнига чиқарилиши Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг халқаро эътирофидир.

Авалло, бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак: халқаро капитал бозори ҳеч қачон ишонсиз давлатга қирмайди. Инвесторлар, айниқса, йирик глобал фондлар мамлакатнинг қонуний устуворлигига, институционал барқарорлигига, молиявий очиқлигига ва ислохотларнинг қай даражада ортага қайтмас эканига қараб қарор қабул қилади. Шу нуқтага назардан қараганда, бугунги оммавий акциялар тақлифи сўнгги йилларда амалга оширилган тизимли ислохотларнинг амалий натижаси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз ҳажми қарийб уч баробар

ўсди, давлат бошқарувида самардорлик кучайди, хусусий мулк дахлсизлиги ва инвесторлар ҳуқуқлари бўйича кафолатлар мустаҳкамланди. Натижада Ўзбекистон халқаро инвесторлар учун янги ишончли бозор сифатида шакллана бошлади.

Энг муҳими, бу жараёнда дунёнинг энг йирик инвестиция институтлари иштирок этмоқда. “БлэкРок”, “Франклин Ресурсес”, “Редвилл” каби молиявий гигантларнинг Ўзбекистон активларига қизиқиш билдириши мамлакатимизга нисбатан халқаро ишонч ошиб бораётганининг яққол далилидир.

►4

Сенат қўмитасида

«ЁПИҚЛИК» САБАБЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Аввалроқ 2025 йилнинг энг очиқ ва энг ёпиқ давлат ташкилотлари рейтингини эълон қилинган эди. Унга кўра юқори натижаларни “Ўзбекгидроэнерго”, “Навоий кон-металлургия комбинати” ҳамда “Узавтосаноат” қайд этган. Умумий рейтингда энг ёмон кўрсаткичларни эса Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, “Ўзбекистон темир йўллари”, Судьялар олий кенгаши, “Алоқабан” АТБ эгаллаган.

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси мажлисида “Очиқлик индекси” бўйича баҳолаш натижаларига асосан “қизил” тоифа деб топилган Судьялар олий кенгашининг ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, ушбу индекс бўйича 2025 йилда 97 та давлат органи ва ташкилот фаолияти баҳоланган бўлиб, умумий натижаларга кўра 66 та ташкилот “яшил” (2024 йилда 50 та), 22 таси “сарик” (35 та) ва 9 таси “қизил” (13 та) тоифа деб топилган. 2022 йилдаги нисбатан “яшил” тоифадаги идоралар сони 3,5 баробар ошгани мамлакатимизда очиқликни таъминлаш соҳасидаги изчил ислохотларнинг самарасини яққол кўрсатади.

Бироқ Судьялар олий кенгаши 2025 йилда 48,75 балл тўплаб, “қизил” тоифага кириб қолгани учун кенгашнинг очиқликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларга риоя этиши юзасидан амалга оширилган ишлари ва йўл қўйилган камчиликлари муҳокама қилинди.

Унда Судьялар олий кенгаши эришган ижобий натижалар билан бирга очиқликни таъминлаш соҳасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилиб, келгуси фаолиятини яхшилаш борасида тавсиялар берилди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон ва Туркменистон парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари аъзоларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот



Ўзбекистон парламенти делегацияси таркибида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси, парламентларо ҳамкорлик гуруҳи ҳамраиси Анавар Тўйчиёв иштирок этди.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик мунсабатларининг бугунги ҳолати ва парламентларо алоқалари янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистон ва Туркменистон мунсабатлари изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди ва олий даражада эришилган ке-

лишувларнинг самарали ижросини таъминлашда парламентларо мулоқот ҳамда парламент нazorати муҳим аҳамият касб этиши айтилди.

Мулоқот чоғида парламент кўмиталари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, “яшил” иқтисодиёт ва рақамли технологиялар йўналишларида қўшма ташаббусларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, ҳудудларо алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Бухоро ва Мари вилоятлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.

ГЛОБАЛ БОЗОРДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Бу компаниялар ҳар қандай бозорга оддий тарзда кирмайди. Улар узоқ йиллик таҳлил, риск баҳоси ва стратегик прогнозлар асосида қарор қабул қилади.

Оммавий акциялар таклифининг яна бир муҳим жиҳати — Ўзбекистон биринчи марта глобал капитал бозорига институционал даражада чиқмоқда. Илгари биз, асосан, давлат кредитлари ёки еврооблигациялар орқали ташқи молияни жалб қилган бўлсак, энди тўғридан-тўғри акциядорлик капитали орқали халқаро бозор билан интеграциялашяпмиз. Бу эса иқтисодиётимиз сифат жиҳатдан янги босқичга ўтаётганини аниқлади. Маълумотларга кўра, жамғарманинг салмоқли улуши юз миллионлаб доллар миқдорига

халқаро ва маҳаллий инвесторларга таклиф этилди.

Бу — халқаро бозор учун Ўзбекистон активларига талаб юқори эканини кўрсатадиган муҳим кўрсаткич. Яна бир муҳим масала — мазкур жараённинг ички иқтисодиётимизга таъсири. Чунки оммавий акциялар таклифи фақат хорижий инвесторлар учун эмас. У маҳаллий аҳоли ва хусусий инвесторлар учун ҳам янги имконият эшикларини очди. Эндиликда оддий фуқаролар ҳам мамлакатнинг йирик активларига акциядор сифатида шерик бўлиш имконига эга бўлмоқда. Бу



эса аҳолида инвестицион маданиятни шакллантириш, капитал бозорини ривожлантириш ва иқтисодий фаолликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, Лондон фонд биржаси каби нуфузли майдонда жойлашиш — Ўзбекистон учун халқаро молиявий имиж нуктаи назаридан улкан ютуқ. Бу келгусида йирик саноат корхоналари, банклар ва стратегик ташкилотларнинг халқаро бозорга чиқиши учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратди. Албатта, ушбу жараён биздан янада катта масъулият ҳам талаб қилади. Чунки халқаро бозор шаффоқлиқни, корпоратив бошқарув маданиятини ва ҳисобдорликни талаб қилади. Энди ҳар бир қарор, ҳар бир иқтисодий кўрсаткич глобал инвесторлар диққат марказида бўлади. Бу эса, ўз навбати-

да, давлат компанияларида самарадорлик ва очикликни янада кучайтиради.

Энг асосийси — айти оммавий акциялар таклифи мамлакатимиздаги ислохотлар ортага қайтмаслигининг амалий исботи. Ўзбекистон энди ёпиқ иқтисодиёт эмас. Биз глобал иқтисодий тизимнинг фаол иштирокчисига айланмоқдамиз. Шу маънода, бу воқеани нафақат молиявий жараён, балки Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги иқтисодий нуфузи ошиб бораётганининг тарихий рамзи сифатида баҳолаш мумкин.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро мунсабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзоси.

КУН ТАРТИБИДА — ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида “Россия — Ислам дунёси: Қозон-Форум — 2026” XVII халқаро иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Қобул Турсунов иштирок этди.

Форум

Мазкур нуфузли анжуманда 100 га яқин давлат вакиллари, халқаро ташкилотлар, бизнес доиралари ҳамда экспертлар иштирок этди ва улар иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инвестициявий шерикликни кенгайтириш, транспорт-логистика йўлакларини такомиллаштириш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Тадбир доирасида Евроосиё маконида саноат кооперацияси, “яшил” энергетика, инновацион технологиялар ва ислом молияси механизмларини жорий этиш бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, ҳудудларо алоқаларни мустаҳкамлаш ва янги қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Йиғилиш

ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ

Олий Мажлис ҳузурдаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жорий йилда ўтказилган давлат гранти танловлари шакллантириш мақсадида март-апрель ойларида ҳудудларда амалга оширилган хизмат сафарлари натижалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 600 дан ортиқ ижтимоий муаммолар ўрганил-

ган ҳамда уларни фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ҳал этиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Йиғилиш давомида ҳудудларда аниқланган ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат грантларини эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Грантлар инфратузилмани яхшилаш, аҳоли учун қулай яшаш шaroитларини яратиш, бандликни таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, спорт майдончалари ва

кутубхоналар ташкил этиш, таълимни ривожлантириш ва соғломлаштириш йўналишидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Мазкур босқичда жами 146 та лойиҳа учун 21,7 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Давлат гранти танловлари ва барча жараёнлар “ngo.gov.uz” платформасида амалга оширилиши таъминланган. Ушбу платформа орқали фуқаролик жамияти институтлари ўз лойиҳаларини тақдим қилиш, баҳолаш жараёнини кузатиш ҳамда муҳокамаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ПЕДАГОГЛАР ҲИМОЯСИ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Шу билан бирга, бугунги кунда янги баҳолаш тизими 3 434 та мактабни қамраб олган бўлиб, келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу кўрсаткични 4500 тага етказиш режалаштирилган.

Мазкур мактабларда ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 53 фоиздан 72 фоизгача ошган. Янги баҳолаш тизими жорий қилинган мактаблар орасида юқори натижаларга эришган 275 та мактабнинг бугун педагог жамоаларига 40 фоизгача устама тўлан-

сус пандуслар ўрнатилган, 115 та мактабда Брайль алифбосидаги тугмали лифтлар жорий қилинган. Сўнгги беш йилда 7 миңдан ортиқ педагоглар инклюзив таълим бўйича малака оширган. 2026 йилдан бошлаб педагогларнинг билим ва малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурларига алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болалар билан ишлашга оид “Таълимда инклюзия ва эҳтиёжларга асосланган дифференциал ёндашув” модули ҳам мажбурий дастурларга киритилди.

Муҳокамаларда ижтимоий химояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Хусусан, ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 387 миң нафар фарзанди мактабгача таълим билан қамраб олинган. Камбағал оилалар фарзандларининг нодавлат боғчалар учун тўловларининг 40 фоизи давлат томонидан қўллаб берилмоқда. Бугунги кунда 125 миң нафардан зиёд ўқувчилар IT, хорижий тиллар ва касб-хунар тўғрисидаги жалб қилинган бўлиб, улар харажатларининг 80 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Мунозараларда “Педагогининг мақоми тўғрисида”ги Қонун ижросига алоҳида ургу берилди. Таъкидланганидек, педагогларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига қатъий чек қўйилган, ўқитувчининг ҳуқуқий мақоми эса Конституция даражасида мустаҳкамланган. Шунингдек, 15 йиллик стаж ва олий малака тоифасига эга педагоглар учун ипотека кредитларининг бошланғич тўловининг 25 фоизини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жорий этилган. “Йил ўқитувчиси” ва “Касбий маҳорат етакчиси” танловлари қўллаб-қувватлаш мақсадида 525 миллион сўмга муқофот пули ажратилиши ҳам педагогларни рағбатлантиришда муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳам соҳадаги долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-**

демократик партияси фракцияси вакиллари меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, мактабларда касб-хунар ва хорижий тилларни ўқитишни кенгайтириш, мактаблардаги ўқувчилар сисими муаммосини ҳал этиш ҳамда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш масалаларини кўтардилар.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари миллий кадриятлар, маънавий тарбия ва ўзбек тилининг таълим жараёнидаги ўрнини кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, мактаблардаги дастурларнинг самарадорлиги ва педагогларнинг халқаро сертифицицияси юзасидан ҳам қатор саволлар ўртага ташланди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан педагогларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, ортиқча ҳисоботбозликни қисқартириш ҳамда қишлоқ мактабларида таълим сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

ЎзХДП фракцияси ижтимоий химояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, инклюзив таълим қамровини кенгайтириш ва чекка ҳудудлардаги кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш масалаларини кўтарди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси депутатлари эса “яшил мактаб” концепциясини кенг жорий қилиш, экологик таълим улушини ошириш ва мактаб инфратузилмасини экологик стандартлар асосида ривожлантириш юзасидан таклифлар билдирди. Депутатлар таълим сифатини янада ошириш, педагогларни рағбатлантириш ва инклюзив муҳитни ривожлантиришга доир қатор таклиф ва тавсияларини илгари сурди.

Вазир депутатларнинг саволларига жавоб бериб, улар томонидан билдирилган таклифлар соҳани янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

“Хукумат соати” якунида таълим сифати ва педагогларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур соҳада самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

ВАЗИР ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзЛиДеП фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган “Хукумат соати”да “Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш, ветеринария хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ва яйлов ерларидан самарали фойдаланиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига Қишлоқ ҳўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов жавоб берди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни ошириш, озуқа базаси ва наслчиликни яхшилаш, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, соҳага илм-фан ва инновацияларни жорий қилиш ҳамда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ислохотлар ҳаётга таътиқ этилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2025 йилда чорвачилик маҳсулотларининг ялли қишлоқ ҳўжалигидаги улуши 53 фоизни ташкил этиб, соҳа ҳажми 265,7 трлн. сўмга етган. Бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 4,1 баробар ўсган.

Соҳани ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 5,3 трлн. сўмлик 1 103 та лойиҳа амалга оширилган. Наслчиликни яхшилаш учун хориждан 217 миң бош қорамол ва 282 миң бош қўй-эчки олиб келинган. Жумладан, Мўғулистондан 100 миң бошдан ортиқ “Баят” зотли қўйлар импорт қилиниб, парвариш йўлга қўйилган. Бугунги кунда бўжалиқларда 13 млн. 565 миң бош қорамол, 24 млн. 47 миң бош қўй-эчки ҳамда 97 млн. 932 миң бош парранда мавжуд.

Чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 470,5 миң гектар майдонга беда, силосбоп ва дон учун макка-жўҳори, оқ жўҳори ҳамда хашаки лавлаги экилган.

2025 йилда республика бўйича қарийб 3 млн. тонна гўшт, 12,6 млн. тонна сут ва 9,5 млрд. донга тухум ишлаб чиқарилган. Шунингдек, ички бозорда гўшт нархини барқарорлаштириш мақсадида жорий йилда 87,4 миң тонна гўшт импорт қилиниб, бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 28 фоизга ошган. Покистон, Ҳиндистон ва Беларусьдан гўшт маҳсулотларини тезкор етказиб бериш йўлга қўйилган ички бозорда нархлар барқарорлиги-

ни таъминлаш имкониятини кенгайтирди. Вазирга кўра, бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилаётган сут ва тухум маҳсулотлари ички эҳтиёжни тўлиқ қўллаб бermoқда.

Ветеринария хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эса республиканинг буфер ҳудудларидаги 82 та туманда 8 млн. бошдан ортиқ чорва моллари, 14 млн. бошдан зиёд паррандаларда юкуми касалликларига қарши профилактик эмлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Яйлов ҳўжалигини ривожлантириш йўналишида эса мултоқо янги бошқарув тизими жорий қилинган. Республикада 15,8 млн. гектар яйлов хатловдан ўтказилиб, уларнинг рақамли хариталари яратилган. 5 млн. гектардан зиёд яйлов майдонлари чорвачилик субъектларига тўғридан-тўғри ижарага берилган.

Муҳокамалар давомида депутатлар чорвачиликда озуқа базаси, наслчилик, қайта ишлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, ички бозорда гўшт ва сут маҳсулотлари нархларини барқарор сақлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатдошлигини ошириш, ветеринария хизматларини тўлиқ рақамлаштириш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар улушини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Депутатлар томонидан яйловлар дегрaдациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш, чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш, ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш, хусусий ветеринария хизматлари бозорини кенгайтириш ва коррупциявий омилларни чеклаш бўйича қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, соҳа истиқболига доир қатор масалалар юзасидан вазирга саволлар билан мунозаарат қилди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари саноатлашган чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёз ва субсидиялар берилишига қарамай, мажбурий чорва молларининг саноатлашган чорвачилик улушида паст кўрсаткич куза-

тилаётганига ургу бериб, бу борада қандай янгица ёндашувлар белгилангани билан қизиқди.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзолари эса айтиловчилар билан учрашувларда яйловларга сув чиқарилмагани сабабли ерлар қуриб кетаётгани ҳақида мунозааратлар бўлаётганини қайд этиб, аҳолига чорвачиликни ривожлантириш учун яйлов ажратиш ва сув таъминоти муаммоларини ечиш бўйича қандай чоралар кўрилаётганини сўради.

“Адолат” СДП фракцияси вакиллари томонидан паррандачилик соҳасида наслчиликни ривожлантириш, ра-

камлаштириш, профилактик эмлаш қамровини ошириш ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш чоралари қандай ташкил этилаётгани масаласи кўтарилди.

ЎзХДП фракцияси вакиллари эса гўшт ва сут маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида интенсив усулда озуқа маҳсулотларини етиштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, чорвачилик учун ажратилган ер майдонларининг самарадорлиги қандай баҳоланаётгани билан қизиқди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари эса вазирлик томонидан қушхоналар фаолиятининг санитария ва экологик талабларга мос равишда ташкил этилишини мониторинг қилиб боришга оид масалани кўтарди.

Вазир депутатлар томонидан кўтарилган барча саволларга батафсил тушунтирилган жавоб берди.

“Хукумат соати”да соҳа истиқболига қаратилган қатор таклифлар берилиб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.



моқда. Янги ўқув йилидан бошлаб устама олувчи мактаблар сонини 2 баробар ошириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, хорижий тил сертификатига эга ўқувчилар сонини эса 40 миң нафардан ошган. Шунингдек, таълим тизимига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Жанубий Корея ва Хитойдан 1 456 нафар хорижий мутахассис жалб қилинган. Ҳозирги кунда 310 миң нафар педагог малака тоифасига эга.

Муҳокамалар чоғида халқаро баҳолаш дастурлари — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг PISA, Таълимдаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциациясининг PIRLS ва TIMSS тадқиқотларида Ўзбекистон иштирокининг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълумот учун, Ўзбекистон 2022 йилдан PISA тадқиқотида иштирок этиб келмоқда.

“Хукумат соати”да инклюзив таълимни ривожлантириш масаласи ҳам асосий мавзулардан бири бўлди.

Айни пайтда мамлакатдаги 2 365 та мактабда инклюзив синфлар ташкил этилган. 651 та мактабда “тусиқсиз муҳит” яратилган, 1 404 та бинога мах-

Президент Администрацияси ҳузурдаги Ижтимоий химоя миллий агентлиги ташаббуси билан Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида меҳр, ирода ва инсонийлик байрами — «Инсон учун» шиори остидаги инклюзив марафон ташкил этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоини келишилган нархда.

Гезетаник ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва мўлаҳиға қайтарилмайди.

Гезетаник маълумот беришни учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезетаник полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислам Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.53

Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6